

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

Тўёва Муҳайё Шухрат қизи

Тошкент давлат педагогика университети 1 босқич магистранти

Timaramanov67@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Янгиланаётган Ўзбекистонда хотин қизларни ҳуқуқлари нечоғлик ҳимоя қилинганлиги ва кафолатланганлиги ҳақида аниқ илмий хулосалар бериш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш.

Калит сўзлар: Адолат, гендер тенглик, матонат, жасорат, сабр тоқат, ижтимоий ва маънавий муҳитни соғломлаштириш.

АННОТАЦИЯ

Дать четкие научные выводы о том, как защищены и гарантированы права женщин в обновленном Узбекистане и повысить правосознание.

Ключевые слова: Справедливость, гендерное равенство, стойкость, мужество, терпение, здоровая социальная и духовная среда.

ABSTRACT

To give clear scientific conclusions on how women's rights are protected and guaranteed in the renewed Uzbekistan and to raise legal awareness.

Keywords: Justice, gender equality, perseverance, courage, patience, healthy social and spiritual environment.

КИРИШ

Бахор фаслининг биринчи кунидан президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишининг мавзуси ҳам аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларига бағишлиланган эди. Хотин қизлар ҳақ ҳуқуқлари деганда кўпчиликка эриш туюладиган бу тушунча бугунги кунда қонун билан ҳимоя қилинибгина ҳуқуқлари тамилланмоқда. Ҳалигача юртимизда аёлларга нисбатан бир поғона пастда юриш керак деган тушунча ва қарашлар сақланиб қолган, шунингдек хотин қизларимизнинг нафақат бугунги кундаги мақоми ва жамиятдаги обрўйи энг аввало унинг оиласидаги ўрни ҳамда фарзандлари тарбиясидаги муваффакиятига боғлиқ эканини чуқур ўйлашимиз зарур. Конститутсијамизнинг 46-моддаси “Хотин қизлар ва эркаклар тенг

хуқуқлидирлар⁵⁵” деб қонунда мустаҳкамлаб қўйилганига қарамасдан ҳалигача биз ўзимизни тенг хуқуқли деб ҳис этолмаймиз. Сабаби хотин қизларнинг ҳақ хуқуқлари паймол бўлиши, қадрини пастга уриш, оиласарнинг бузилишида айбдор ҳалигача аёл.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» davlat ilmiy nashriyoti O‘zbekiston Xotin-qizlar qo‘mitasi va Vazirlar mahkamasi huzuridagi «Oila» ilmiy amaliy tadqiqot markazi bilan hamkorlikda «Oila ensiklopediyasi» hamda «Xotin-qizlar ensiklopediyasi» kitoblarini nashrdan chiqardi.

«Oila ensiklopediyasi»da oila institutining yosh avlodni ma’nan kuchli, aqlan yetuk, barkamol qilib tarbiyalashdagi roli va ahamiyati, oiladagi shaxslar aro munosabatlarning turlari to‘g‘risidagi ma’lumot keltirilgan. Sog‘lom psixologik muhitni tarkib toptirishda ota-onalarning huquqiy, ma’naviy, tibbiy, iqtisodiy, psixologik bilimlarini farzand tarbiyasida qo‘llay olish choralar haqida tavsiyalar berilgan.

Mazkur ensiklopediyalarni keng omma e’tiboriga taqdim etish maqsadida 5-mart kuni O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligining press-xolida taqdimot marosimi o‘tkazilishi rejalashtirilgan.

Ushbu bir jildli ensklopediya ayollarga bag‘ishlangan. Unda qiz bolaning dunyoga kelishidan boshlab, uni tarbiyalab o‘stirish, balog‘at yoshiga yetguniga qadar ichki va tashqi dunyosida yuz beradigan o‘zgarishlar, qiz bolani oila qurishga tayyorlash, er-xotinlik munosabatlari, ro‘zg‘or tashvishlari, kelajak baxti, oilani yaxshilash, ruhiy muhit, muhabbat va vafo masalalari o‘rin olgan.

Kitob 9 bo‘limdan iborat. Har bir bo‘limda xotin-qizlar hayotida muayyan o‘rin va ahamiyatga ega bo‘lgan masalalar guruhlarga ajratib, izchil yoritilgan. Kitobning ijodkorlari o‘zbek ayollari bilishlari lozim bo‘lgan umumbashariy masalalarning eng muhimlarini tanlab olar ekanlar, imkon doirasida har bir mavzuda sharqona, o‘zbekona odatlarimiz kelib chiqqan holda fikr yuritganlar.

Kitobning uslubi ayol bilan ayolning chin dildan, samimiy suhbati tarzida qurilgan. Ensiklopediya 1999 – yilda “Ayollar yili” munosabati bilan 10000 nusxada nashr etilgan.

Ayollar shahri kitobi yoki Le Livre de la Cité des Dames (1405 yilda tugagan), ehtimol Kristin de Pizaneng taniqli adabiy asari va bu uning uzoq nasrdagi ikkinchi

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг, 2-бўлим, 10-боб, 46-моддаси, 12-бет. Тошкент ш. 2021 йил 8 феврал.

asari. Pizan kitobni yaratish uchun mahalliy frantsuz tilidan foydalanadi, lekin u ko‘pincha frantsuz nasrida lotin uslubidagi sintaksis va konventsiyalardan foydalanadi. Kitob uning rasmiy javobi sifatida xizmat qiladi Jan de Meunmashhur Roman de la Rose. Pizan ayollarning allegorik shaharini yaratish orqali Meunning ayollar haqidagi bayonotlariga qarshi kurashadi. U tarix davomida ko‘plab taniqli ayollarni to‘plash orqali ayollarni himoya qiladi. Bu ayollar aslida kitob bo‘lgan Xonimlar shahrida "joylashtirilgan". Pizan o‘z shahrini barpo etar ekan, u har bir taniqli ayoldan nafaqat shahar devorlari va uylari uchun, balki tezislari uchun ham qurilish materiallari sifatida foydalanadi. Shaharga qo‘shilgan har bir ayol Pizanning ayollarning jamiyatning qadrli ishtirokchilari sifatida bahslashishiga qo‘shimcha qiladi. Shuningdek, u ayollar uchun ta’lim berish tarafdir.

Kristin de Pizan ham 1405 yilga qadar yakun yasagan Xonimlar shahrining xazinasi (Le tresor de la cité des dames de degré en degré, shuningdek ma'lum Uch fazilat kitobi) ga bag'ishlangan o‘quv qo‘llanma Burgundiya malika Margaret. Bu barcha mulkdagi ayollarni tarbiyalashga qaratilgan, ikkinchisi erlari bo‘lgan ayollarga: "Agar u ehtiyyotkorlik bilan harakat qilishni va dunyoning ham, erining ham maqtovini olishni istasa, u doimo u bilan quvnoq bo‘ladi".⁵⁶

МУҲОКАМА

Ҳаётда оқ ва қора, яхши ва ёмон, муҳаббат ва нафрат, садоқат ва хиёнат, эзгулик ва қабоҳат деган тушунчалар бир бирига қарама қарши бўлганидек аёл ва эркак деган бир бирига қарама қарши, лекин бир бирига чамбарчас боғланган инсонлар жамиятдаги, ҳаётдаги барча қарамақаршилик қонунларини инкор этиб туради.

Бугунги кунда аёлларга нисбатан зўравонликлар, хунрезликлар, куч ишлатишлар ва хўрлашлар кучайиб бормоқда. Ҳадисларда келтирилишича: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилинади. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Маккани фатҳ қилган куни хутба қилиб айтдиларки: "...Аёлларга яхши муомалада бўлинг. Зеро, улар сизнинг измингиздаги ўзлари учун ҳеч нарсага эга бўлмаган асиralардир. Бунинг устига, сизлар уларни Аллоҳнинг омонати сифатida қабул қилиб олдингиз. Уларнинг фаржлари сизларга Аллоҳнинг калимаси билан ҳалол бўлди. Ақлингизни ишлатинг!", яъни улар билан чиройли яшаш, ҳақларини адо қилишда Аллоҳдан қўрқинг⁵⁷ деб таъкидланган. Ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий инқирозлар аввало хотин-қизларнинг ҳаётини издан чиқаради, уларга зарба беради. Биринчи бўлиб

⁵⁶ De Pizan, Kristin. Ayollar shahri kitobi. 1405. Trans. Rozalind Braun-Grant. London: Penguin, 1999.

⁵⁷ Hidoyat.uz “Хайрли аёллар хусусида” 11.12.2019й.

айнан аёллар даромад манбаний йўқотади. Улар оғир вазиятда жамиятнинг ижтиомий неъматларидан жуда тез маҳрум бўлади, давлат ҳимоясига айниқса муҳтож бўлиб қолади. Бундай пайтда ижтиомий лифтлар издан чиқади. Тан олиш керак, аслида мамлакатимизда қўпчилик хотин-қизларда бундай қулайликнинг ўзи йўқ.

Қизлар туғилади, вояга етади, орзу қиласди, бир маромда яшайди ва... умр бўйи аҳволини яхши томонга ўзгартира олмай... ўтиб кетади.

Бугун Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг янги Низоми тақдим этилди, шунингдек, мазкур комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Комиссия раиси Танзила Норбоева томонидан 2022-2026 йилларга мўлжалланган ягона Миллий дастур тақдим этилди.

Миллий дастур мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтиомий ҳаётига иложи борича кўпроқ хотин-қизларни жалб этиш ва бу йўналишда жамиятимизнинг янада ривожланишига замин яратишга қаратилган.

Умид қиласманки, бу тузилма ҳақиқатан ҳам аёлларимиз ҳаётини яхшилайдиган самарали органга айланади. Бунинг учун барча бўғинлардаги ҳар бир ташкилот ва муассаса уйғунликда иш олиб бориши зарур.

Бугунги кунда хотин қизларни ҳар томонлама қўллаб кувватлаш, уларнинг жамиятдаги мавқейини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳукуқламини ҳимоя қилиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зоро президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганлариdek “биз ўз фаолиятимизнинг ilk кунларидан бошлаб муnis ва мўтабар аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш ҳукуқ ва манфаатларини таъминлаш иқтисодий ва ижтиомий ва сиёсий фаоллигини ошириш масаласини давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланди⁵⁸”.

Аёл ҳақ ҳукуқини талаб қиласа “уни тили чиқди”га йўйишиади. Лекин унинг ҳақ ҳукуқини келиб кимdir ҳимоя қила оладими? Аёлнинг қалбидаги орзу умидларини битта тарсаки билан якson қилиш мумкин. Битта аччиқ сўз билан аёлнинг нозик кўнглидаги жамики ришталарни узиб ташлаш мумкин. Аёлнинг юрагини дард эмас, яқин кишиларидан келадиган озорлар ўлдиради. Ҳамма аёллар ва хотин қизлар баҳтли бўлишга ҳақли, деймизу аммо ҳаммани баҳтли қиласиган қонун ҳеч қаерда йўқлигини тан олгимиз келмайди!

НАТИЖАЛАР

Шуни алоҳида эътиборга олишимиз зарурки бугунги кунда аёл жамиятнинг энг асосий бўғини ҳисобланади, чунки унинг қўлида ёш авлод тарбияси, келажак

⁵⁸ Ш.Мирзиёев “Хотин қизларни қўллаб қувватлаш”га бағишиланган видеоселектор йиғилиши, 01.03.2022й.

мавжуд. Шунинг учун аёлларимизга барча имкониятлар ва шарт шароитлар яратишимиз зарур. Зеро президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганлариdek “Аёл баҳтили бўлса, оила ва жамият ҳам албатта баҳтили бўлади. Шунинг учун ҳам баҷчамиз – Президентдан тортиб энг қуий бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилар ана шу олий мезонга амал қилиб ишлашимиз зарур. Шундагина халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади”⁵⁹.

Биз ким Тўмарис авлодларимиз, сиз билишингиз керак бувингиз кўлида қилич билан ватанини ҳимоя қилган. У аёлман, ожизаман деб ўтиргмаган, ёвни зир қақшатган. Нодирабегим, Увайсий ва Зулфияхонимлар ўз даврининг номдор аёллари бўлишган. Улар тарих зарваракаларида муносаб ўрин олиши. Хўш! Сиз ҳам ўзингизга савол бердингизми? Бугун қандай ташвишлар билан оворасиз. Келажагингиз учун бугундан нимадир қила олдингизми. Зеро аёллардан пайғамбар чиқмаган дейишади, лекин пайғамбарларни ақлли аёллар дунёга келтиришган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганимизда жамиятда аёлнинг ўрни ва мавқеини ошириш билан биз мамлакатимиз келажагини соғлом фикрли ва ватанпарвар келажак авлодни тарбиялай оладиган оналарга имконият яратамиз. Оқила аёлларни қўллаб қувватлаш билан биргаликда биз ҳаммамиз севиб кўрадиган “Суюнчи” филмидаги Ханзрат бувидек маҳалланинг виждонига айланган марифатли жамиятни, марифатли аёлларни имконият берган бўламиз. Чунки аёлнинг билимдонлиги, маънавияти, маърифати ва саводхонлиги фарзанднинг оиласининг баҳти саодатидир. Сиз ҳам уларнинг ҳукуқларини оёқ ости қилманг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг, 2-бўлим, 10-боб, 46-моддаси, 12-бет. Тошкент ш. 2021 йил 8 феврал.
2. De Pizan, Kristin. Ayollar shahri kitobi. 1405. Trans. Rozalind Braun-Grant. London: Penguin, 1999.
3. Ш.Мирзиёев “Хотин қизларни қўллаб қувватлаш”га бағишлиланган видеоселектор йиғилиши, 01.03.2022й.;
4. Hidoyat.uz “Хайрли аёллар хусусида” 11.12.2019 й.
5. Ш.Мирзиёев “8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлиланган тантанли тадбир”га бағишлиланган видеоселектор йиғилиши, 06.03.2021й.

⁵⁹ Ш.Мирзиёев “8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлиланган тантанли тадбир”га бағишлиланган видеоселектор йиғилиши, 06.03.2021й.